



## XALQ DEPUTATLARI FARG'ONA VILOYATI DANG'ARA TUMAN KENGASHI QARORI

2022 - yil 9 - avgust

VI-59-133-11-155-K/22

Dang'ara tuman hokimligi

### **Туман ҳокими, 1-сектор раҳбари томонидан жорий йилнинг II-чораги давомида оширган ишлари ҳамда III-чорак йўл харитасини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларни жадал ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182 сонли ҳамда 2019 йил 8 январдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102 қарорларига асосан туманинн секторларга бўлган ҳолда аҳоли муаммоларини уйма-үй ўрганиб ҳал этишга қаратилган мутлоқо янгича механизм жорий этилди ва такомиллаштирилди.

Бунинг натижасида ҳалқ ва давлат идоралари ўртасида узоқ йиллар давомида шаклланиб келган сунъий тўсиқлар секин-асталик билан бўлсада бартараф этилиб, ўтган давр мобайнида жуда кўплаб масалаларнинг ижобий ҳал этилиши таъминланди.

Жумладан, маҳаллабай ва фуқаробай ишлаш тизими натижасида маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва ишчи гуруҳ аъзолари билан биргаликда аҳоли хонадонларига бирма-бир кирган ҳолда, маҳаллалар кесимида фуқаролар билан сайёр қабуллар ва учрашувлар ўtkазиш йўли билан уларни қийнаётган муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Фуқароларнинг муаммоларини тизимли ҳал этиш, эҳтиёжманд қатламга кўрсатилган ёрдамларнинг манзиллилигини таъминлаш мақсадида, алоҳида ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларни “Темир дафтари”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га қамраб олган ҳолда ёрдам кўрсатиш тизими жорий этилди.

2022 йил якунланган чоракда 1-сектор худудида сектор ишчи гуруҳи ҳамда маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари ҳамкорлигида хонадонма-хонадон масалалар ўрганилиб, камбағалликни тугатиш, ночор оиласарга ёрдам бериш, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, аҳоли яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Юқорида билдириб ўтилган фикр-мулохазаларни инобатга олиб,

“Махаллий давлат хокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 6- ва 24-моддаларига асосан, халқ депутатлари туман Кенгashi ,

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1.** Туман ҳокими, 1-сектор раҳбари (Ш.Тожихакимов) томонидан жорий йилнинг II-чораги давомида амалга оширилган ишларнинг таҳлилий ҳисоботи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

**2.** 1-сектор раҳбарининг 2022 йил III-чораги учун худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича “ЙУЛ ХАРИТАСИ” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**3.** Тумандаги корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари ҳамда 1-сектор масъул котиби (Э.Мамадиев)га: сектор ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли хонадонларида уйма-уй юрган ҳолда муаммо ва таклифларини ўрганиш, уларни қийнаб келаётган муаммолари юзасидан тегишли соҳа ходимлари томонидан ўз вақтида амалий ёрдам кўрсатиш, оиласи шароити оғир, боқувчисини йўқотган ўзгалар парваришига муҳтож, хонадонида ногиронлиги бўлган кекса ёшдаги бемор фуқароларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва соғлиқларини тиклаш мақсадида тиббий кўриклар ва соғломлаштириш марказларига юбориш мақсадида ўрганиш ишларини олиб борсинлар.

**4.** 1-сектор масъул котиби (Э.Мамадиев)га туман ички ишлар бўлими бошлиғи, 3-сектор раҳбари (А.Тожиев) билан ҳамкорликда 1-сектор ҳудудида жойлашган маҳалла фуқаролар йигинларида ёшлар, вояга етмаганлар ҳамда аёллар ўртасида ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири саналаётган жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларни содир этилишини олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар ҳамда йиғилишлар ўтказилиб, ушбу тадбирлар давомида ҳозирги кунда ушбу худудларда нотинч, ноқобил, ичкиликка ружу кўйган, ДЭОга мойил, норози кайфиятдаги фуқаролар, маъмурий назоратда турувчи, жазони ижро этиш муассасасидан қайтган фуқаролар, ёшлар, шунингдек аёллар билан доимий равишда профилактик сухбатлар олиб борилиши, уларни ижтимоий ҳаётга интеграция қилиш мақсадида маънавий ва спорт тўғаракларига жалб қилиш чораларини кўриш, бундан ташқари ўз жонига қасд ва суиқасд қилишга мойил бўлган шахслар билан алоҳида профилактик тадбирлар мунтазам ўтказиб бориш юзасидан тегишли масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда тарғибот тадбирлари олиб борилишини доимий равишда амалга оширасинлар.

**5.** Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари ҳамда туман Кенгашининг Суд ҳуқуқ масалалари ва корупцияга қарши қурашиш бўйича доимий комиссияси зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси



Ш.Тожихакимов

Xalq deputatlari Dang'ara tuman Kengashining  
2022 yil 9 avgustdag'i  
VI-59-133-11-155-K/22-son qaroriga  
1-ilova

**Дангара тумани худудларини 2022 йил июл-август-сентябр ойлари учун комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича туман ҳокими Ш.Н.Тожиҳакимов раҳбарлигидаги Ишчи гурухлар фаолиятини ташкил этиш**

## ЙЎЛ ҲАРИТАСИ

№	Шахар ва туман номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочи
“Йўл ҳаритаси”га киритилган МФЙлар – 12 та (Абдусамад, Капасарой, Оқжар, Таптиқсарой, Богош, Доимобод, Катта турк, Кичик турк, Қияли, Қум қияли, Тумор ва Навбахор МФЙлар)						
<b>1-сектор бўйича-туман ҳокими сектори</b>						
<b>БИРИНЧИ ЙЎНАЛИШ. Йўл хўжалиги, энергия, транспорт қатнови, архитектура, худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасидаги муаммолар бўйича.</b>						
<b>Электр энергиясини етказиб бериш</b>						
1	Дангара туман сектор раҳбари	Сектор худудидаги электр қурилмалари тармоғидаги ҳаво узатмалари таъмирлаш ва тармоқларни янги тортиш	Сектор худудида жами 4та трансформатор пунктларини мукаммал таъмирлаш ҳамда 8та трансформатор пунктларини жорий таъмирлаш.  20 км электр ҳаво тармоғини дарахт шохидан тозалаш ва қалқоп симларини тортиш.  8 км электр ҳаво тармоғини мукаммал таъмирлаш.	(бюджет маблағлари ҳисобидан)	2022 йил июл-сентябр ойи	Дангара туман электр таъминоти корхонаси раҳбари
<b>Табиий газ ва суюлтирилган газ, майший газ балонлар билан таъминлаш</b>						

№	Шахар ва туман номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочи
2	Дангара туман сектор раҳбари	Туман ҳокимига бириктирилган худуддаги ахоли хонадонларини суюлтирилган ва табий газ билан таъминлаш.	Сектор худудига қарашли МФЙларда суюлтирилган газга мослаштирилган ҳар бир ахоли хонадонига туман ҳокими томонидан тасдиқланган режа график асосида эҳтиёжига қараб, суюлтирилган газ етказиб берилишини таъминлаш. МФЙлар кесимида табий газ таъминотида бўлган истеъмолчиларга режа график асосида ақлли газ ҳисоблагичлар ўрнатиш. Сектор худудидаги табий газ билан таъминланган ахоли яшаш пунктларида табий газ босимини назорат қилиш.		2022 йил июл-сентябр ойи	“Худудгаз Фарғона” МЧЖ Данғара филиали раҳбари
<b>Худудларда санитария-эпидемиология ҳолати (чиқиндилар)</b>						
3	Дангара туман сектор раҳбари	Сектор худудида жойлашган умумий овқатланиш шохобчалари ва озиқ-овқат сотиш савдо дўконларида санитария-гигена қоидаларини тушунтириш.	Умумтаълим мактаблари, касб-хунар мактаби, кўп тармоқли техникум ва МТТ ларда санитария қоидалага риоя қилинишини кунлик назоратга олиш. Сектор худудидаги тегишли ташкилотлар ва муассасаларда хафталик дизенфексия ҳамда тарғибот ишлари ўтказиш. “Тоза худуд” ДҮК туман бўлими томонидан чиқиндиларни ўз вақтида тозалашни ва ташишни белгиланган тартибда назорат қилиш.	(бюджет маблағлари ҳисобидан)	2022 йил июл-сентябр ойи	СЭО ва ЖСХ туман бўлими раҳбари
<b>Йўл соҳаси бўйича (ички йўлларни таъмирлаш)</b>						

№	Шахар ва туман номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбай	Ижро муддати	Масъул ижрочи
4	Дангара туман сектор раҳбари	Маҳалла-ларнинг йўллари ҳолатда, келгусида амалга ошириладиган манзилли чора тадбирлар.	Сектор худудида жойлашган: 917А Чагали қишлоғига кириш йўлининг 160 м <sup>2</sup> чуқур чаноқларни таъмирлаш; 888А Урганжи қишлоғига кириш йўлининг Кақир қишлоғидаги ҳамда Кум қияли қишлоғидаги йўл бекатларини жорий таъмирлаш; 889А Катта турк қишлоғига кириш йўлининг 120 м <sup>2</sup> чуқур чаноқларини таъмирлаш; 4к926 Яйпан-Абдусамад йўлининг 47 кмда тупроқ кўтариш ишларини амалга ошириш, 4-гурх бетон тўсикларини ўрнатиш ҳамда ушбу йўлдаги 9та йўл бекатларини жорий таъмирлаш.	(бюджет маблағлари ҳисобидан)	2022 йил июл-сентябр ойи	Дангара автомобиль йўллари худудий корхонаси раҳбари ва Туман Молия бўлими бошлиги

**ИККИНЧИ ЙЎНАЛИШ. Ижтимоий муҳофазанинг манзиллилиги, ижтимоий соҳа объектлари, таълим, ўрта-маҳсус, соглиқни сақлаш ва бошқа муассасаларнинг самарали фаолият қўрсатишини таъминлаш муаммолари бўйича.**

**Халқ таълими**

**Умумий ўрта таълим мактабларида**

№	Шаҳар ва туман номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Ижро муддати	Масъул ижрочи
5	Дангара туман сектор раҳбари	Ўрганишлар натижасига асосан умумтаълим муассасаларида курулиш ишларини олиб бориш ва қўшимча жихозлар билан таъминлаш	7-умумий ўрта таълим мактаби ва 2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида фаоллар залини жихозлаш. 5, 22, 31, 39, 40 ҳамда 2-ИДУМ мактабларига синф хоналарини ўқув столстул тўпламлари билан жихозлаш 5-умумий ўрта таълим мактаби филиал биносида қурилиш ишларини яқунлаб, 2022/2023 ўқув йили учун тайёр ҳолатга келтириш Тумандаги 5, ва 31-мактаблар электрон (интерактив) доскалар билан жихозлаш	(бюджет маблағлари хисобидан)	2022 йил июл-сентябр ойи	Туман Халқ таълими бўлими бошлиғи
<b>Мактабгача таълим ташкилотлари</b>						
6	Дангара туман сектор раҳбари	Сектор худудидаги мактабгача таълим ташкилотларида қисман таъмирлаш тадбирлари	Навбаҳор МФЙда жойлашган 4-сонли ДМТТнинг ташқи хожатхонасини янгилаш, айвончаларни таъмирлаш. Лойиха смета хужжатлари тайёрланмоқда Топтиқсарай МФЙда жойлашган 25-сонли ДМТТ ошхонасини ва хожатхонасини янгидан қуриш. Лойиха смета хужжатлари тайёрланмоқда Оқжар МФЙда жойлашган 37-сонли ДМТТ биносининг эшик ва дераза қисмларини алмаштириш, фасад қисмини таъмирлаш. Лойиха смета хужжатлари тайёрланмоқда	(Хомий ва бюджет маблағлари хисобидан)	2022 йил август-сентябр ойи	Туман МТБ
<b>Соғлиқни сақлаш</b>						

№	Шахар ва туман номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбай	Ижро муддати	Масъул ижрочи
7	Данғара туман сектор раҳбари	МФЙлар худуди-даги ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оилалар ҳолидан ҳабар олиш.	Сектор худудидаги 12 та маҳалла фуқаролар йигинида яшовчи тиббий ҳизматга муҳтоҷ оилаларга ҳамда “Темир дафтари”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га соғлигини тиклаш бўйича киритилган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказилишини таъминлаш ва уларга малакали тиббий ҳизмат қўрсатиш	(бюджет маблағлари ҳисобидан)	2022 йил июл-сентябр ойи	Туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи
8	Данғара туман сектор раҳбари	Бирламчи тиббий-санитария ҳизматида ахолига малакали ҳизмат қўрсатиш	Сектор худудидаги барча МФЙлар кесимида: хонадонбай “мақсадли” скрининг текширувлар ўтказиш асосида онкологик, эндокринологик ва терапевтик касалликларга чалинган беморларни эрта босқичларда аниқлаш ҳамда уларга тегишлиги бўйича худуднинг ўзида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам қўрсатишни ташкил этиш	(бюджет маблағлари ҳисобидан)	2022 йил июл-сентябр ойи	Туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

**УЧИНЧИ ЙЎНАЛИШ.** Ҳудудларни жадал иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, уларнинг табиий, иқтисодий ва инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш, маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш, солиқ қарздорлигини қисқартириш (мол мулк ва ер солиги), қурилиши тугалланмаган обьектлардан, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш ва ер майдонларидан оқилона фойдаланиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми ва худуднинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, жойларда замонавий бозор инфратузилмасини ташкил этиш, ҳизмат қўрсатиш, туризм соҳаларини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам қўрсатиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича муаммолар.

#### Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш, солиқ қарздорлигини қисқартириш (мол мулк ва ер солиги)

9	Данғара туман сектор раҳбари	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулк ва ер солигидан бўлган қарздорлигини ўндириш.	Туман ҳокими сектори худудидаги 12 та МФЙда яшовчи фуқароларнинг мол-мулк ва ер солигидан бўлган қарздорлигини ишчи гуруҳлар тузган ҳолда хатловдан ўтказиш ва уларни ундириш чораларини кўриш;		2022 йил июл-сентябр ойи	Давлат солиқ инспекцияси туман бўлими раҳбари ва МФЙ раислари
---	------------------------------	---	---	--	--------------------------	---

№	Шахар ва туман номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочи
<b>Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг тўлиқлигини ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш</b>						
10	Дангара туман сектор раҳбари	6218 нафар шахсларга 5,7 млрд сўм пенсия пулларини тижорат банклари томонидан нақд пул билан ўз вақтида таъминлаш чораларини кўрилиш ва нафақа, моддий ёрдам пулларини ўз вақтида тўланишини назорат қилиш.	<p>Сектор худудидаги 2022 йил 3-чораги учун туман бўйича пенсия ва нафақа пуллари 5,7 млрд сўмни ташкил этиб, ушбу маблағлар, 6218 та пенсия ва нафақа олувчиларга, шундан, ёшга доир пенсионерлар 4630 тани, ногиронлар 633 тани, бокувчисини йўқотганлар 205 тани, ижтимоий нафақа олувчилар эса 750 тани ташкил этади.</p> <p>Бундан ташқари, секторда кам таъминланган оиласаларга мезон талабларидан келиб чиқиб, Республика бюджетидан кам таъминланган оиласаларга 18 ёшгача болалар нафакаси ва моддий ёрдам тариқасида ижтимоий нафақаларни ажратилишини таъминлаш.</p> <p>Туманда истиқомат қилувчи пенсионер ва нафақа олувчиларнинг нафақалари хеч қандай чекловларсиз тўлиқ нақд пулда берилишини таъминлаш.</p>	(бюджет маблағлари хисобидан)  (бюджет маблағлари хисобидан)	2022 йил июл-сентябр ойи	БТПЖ Дангара туман бўлими раҳбари  Дангара туман молия бўлими,  АТБ “Халқ банки” Дангара филиали,

**Аҳолини иш билан таъминлаш ва иш ўринларини яратиш**

№	Шахар ва туман номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочи	
11	Дангара туман сектор раҳбари	Сектор худудида истиқомат қилувчи жами 24157 нафар меҳнатга қобилиятли шахсларнинг 1098 нафари бугунги кунда домий иш жойига эга эмас, 467 нафар шахслар ишсиз сифатида рўйхатга олинган ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш	Иш ўринлари яратиш дастурларини ҳақиқий аҳволдан келиб чиқиб тузилишини таъминлаш; Туман ҳокими томонидан ҳудудда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан тузилган дастурда белгиланган миқдорда янги иш ўрни яратилишини ташкиллаштириш; Ҳар чоракда сектор худудида бўш иш ўринлари “Меҳнат ярмаркаси” ўтказилиши таъминлаш ва мавжуд бўш иш ўринларига ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш масаласини ҳал этиш; Бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан сектор худудидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида 467 нафар ишсиз фуқароларни, 76 нафарини жамоат ишларига, 81 нафар касбга йўналтириш бўйича курсларга жалб этиб, уларга касб ўргатишни ташкиллаштирилишини таъминлаш, 264 нафарини турли хил ишларга жойлаштириш, 42 нафар ишсиз деб эътироф этиш хамда 4 нафар фуқарога субсидия ажратилади.	(бюджет маблағлари хисобидан)	Доимий  Доимий	2022 йил июл-сентябр ойи  2022 йил июл-сентябр ойи	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази раҳбари ва Маҳаллаларда-ги ҳоким ёрдамчилари
<b>ТЎРТИНЧИ ЙЎНАЛИШ.</b> Дехқон хўжаликлари, томорқа учун ажратилган ерлардан мақсадли фойдаланиш, мева- сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа фаолият турларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда фермер хўжаликларига кўмаклашиш бўйича муаммолар.							
<b>Кишлоқ хўжалигига ердан фойдаланишни тартибга солиш</b>							

№	Шахар ва туман номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочи
12	Дангара туман сектор раҳбари	Кишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш	Кишлоқ хўжалигага фойдаланиш учун яроқли ер майдонларини инвентаризациядан ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларидан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларини олдини олиш борасида прокурор назоратини таъминлаш; Аҳолининг эҳтиёжманд ва меҳнатга лаёкатли қатлами билан дехқон хўжаликлари ташкил этиш ҳамда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”даги фуқароларга бозорбоп озиқовқат маҳсулотларини экиб этиштиришлари учун амалий ёрдам бериш;		Доимий	Кишлоқ ва сув хўжалиги бўлими

**БЕШИНЧИ ЙЎНАЛИШ.** Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларни, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактика қилиш ҳамда уларни барвақт олдини олиш ҳамда оила ва ҳотин қизларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича.

#### Хуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш

13	Дангара туман сектор раҳбари	Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик-ларнинг олдини олиш бўйича сектор ҳудудида доимий равиша профилактик тадбирлари ташкиллашти-риш.	Ҳудудда жиноятчилик аҳволини чуқур таҳлил қилган ҳолда ошиб бораётган жиноят турлари бўйича аҳоли ўртасида кенг профилактик тадбирларни ўтказиб, фуқароларни огоҳликка чақириш. Ҳафтанинг ҳар чоршанба кунлари “Ёнгин хавфсизлиги” ва ҳар пайшанба кунлари “Профилактика куни” тадбирларини узлуксиз ташкиллаштириб бориш орқали ҳудудларда ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга эришиш.		Доимий Доимий	1-сектор раҳбари Туман ИИБ Маҳалла ва оиласи қўллаб қувватлаш бўлими, “Ёшлар ишлар агентлиги ва Ёшлар иттифоқи” туман бўлими
----	------------------------------	---	---	--	------------------	---

№	Шахар ва туман номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочи
<b>Оилани мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш</b>						
14	Дангара туман сектор раҳбари	Хотин-қизлар хукуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда оилани мустаҳкамлаш	<p>Хотин-қизларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини ошириш, гендер тенглик кафолатларини таъминлаш.</p> <p>МФЙ кесимида хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан якка тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, уларга ижтимоий-хукуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш.</p> <p>Оилавий ажримларни олдини олиш, оиласда соғлом маънавий муҳитни яратиш бўйича тушунтириш ва тарғибот ишларини самарадорлигини ошириш.</p>	“Аёллар дафтари” Жамғармаси	Доимий	1-сектор раҳбари, Туман прокуратураси, Туман ИИБ, Оила ва хотин-қизлар бўлими, МФЙ раислари ва маҳаллаларда-ги хотин-қизлар фаоллари

**Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг давоматини мустаҳкамлаш, доимий равишда рейдлар ўтказиш бўйича**

№	Шаҳар ва туман номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбай	Ижро муддати	Масъул ижрочи
15	Данфара туман сектор раҳбари	Сектор худудидаги мавжуд 14 та Умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар мактаби ва кўп тармоқли техникум ўқитувчиларини жалб килган ҳолда ҳудуддаги ўқув муассасаларида мунтазам равища қатнашиши, дарсда белгиланган вақтда ва формада бўлиши каби тадбирларни ташкиллаштириш. Жумладан - Ўқувчилар ва вояга етмаганлар ўртасида назоратсиз ва қаровсизликни олдини олиш мақсадида “Давомат” ўtkазиш; - фарзанди таълим-тарбиясига бефарқ бўлган, унинг ўқишига қизиқмаган ёки тўсқинлик қилганлиги учун ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахсларга нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштириш ва вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия йиғилишлари муҳокамасига киритиб бориш, бу борада сайёр комиссия йиғилишларини ташкил килиш.		2022 йил сентябр ойи	1-сектор раҳбари, Ишчи гурух, ҳудуддаги умумтаълим мактаблари, касб-хунар мактаби ва кўп тармоқли техникум директорлари, Вояга етмаган ишлари бўйича комиссия аъзолари.	

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ҳамда Халқ қабулхоналарга энг аввало, такроран келиб тушган жисмоний ва юридик шасларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва сайёр қабулларни ўтказиш бўйича**

**Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонага тушган мурожаатлар бўйича**

№	Шахар ва туман номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочи
16	Дангара туман сектор раҳбари	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда кўриб чиқиш.	Сектор худудидаги фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ҳамда Халқ қабулхоналарга энг аввало, такроран келиб тушган жисмоний ва юридик шасларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш; Тушаётган мурожаатларнинг мунтазам таҳлил қилган ҳолда ҳал қилинишини таъминлаш чораларини кўриш натижаси бўйича ҳар ҳафтанинг ой якуни бўйича туман Халқ қабулхонасига ахборот киритиб боришини таъминлаш.		Доимий	Сектор раҳбари
17	Дангара туман сектор раҳбари	Сайёр қабулларни ўтказиш.	Туман 1-сектор раҳбари томонидан ҳар ҳафтада бир маротаба ҳудудга бириктирилган МФЙларда график асосида жисмоний шахслар билан уларнинг ижтимоий масалалари ҳамда юридик шахсларнинг вакиллари билан тегишли фаолият соҳалари кесимида сайёр қабуллар ўтказиш. Туман 1-сектор раҳбари томонидан ўтказилган сайёр қабулда тушган мурожаатларни соҳалар кесимида ҳал этиш.		Хар ҳафтада Доимий	Сектор раҳбари ва штаб аъзолари, туман ташкилот раҳбарлари
<b>Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш ҳамда уларни муаммоларини тизимли ҳал этиш</b>						

№	Шаҳар ва туман номи	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочи
18	Данғара туман сектор раҳбари	Сайёр учирашув ва қабулларни ўтказиш	Туман 1-сектор раҳбари томонидан ҳар хафтада бир маротаба ҳудудга бириктирилган МФЙларда график асосида ёшларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш мақсадида тегишли соҳалари кесимида учирашувлар ва қабуллар ўтказиш. Туман 1-сектор раҳбари томонидан ёшлар билан учирашувлар ва қабуллар ўтказиш давомида тушган мурожаатларни соҳалар кесимида ҳал этиш.			Сектор раҳбари, туман ташкилот раҳбарлари ҳамда Ёшлар ишлар агентлиги
19	Данғара туман сектор раҳбари	Махаллалардаги ёшлар етакчиларининг тавсияси асосида 31 нафар ижтимоий кўмакка мухтоҷ ёшларни қўллаб –куватлаш	13 нафар ОТМ талабаларининг тўлов-шартнома пулини тўлаб бериш; 6 нафар ёшларни касб-хунарга ўқитиши ва банк кредит маблағлари олишда кўмаклашиш; 7 нафар ёшларнинг СЧР хизмати бадал тўловларини қоплаб бериш; 5 нафар ёшнинг ҳайдовчилик курсига ўқиши учун компенсация ажратиш;	“Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари	2022 йил июл-сентябр ойи	Ёшлар ишлар агентлиги туман бўлими, Махаллалардаги ёшлар етакчилари, Махаллалардаги ҳоким ёрдамчилари ва АТБ “Халқ банки” туман бўлими
20	Данғара туман сектор раҳбари	Секторда амалга оширилган ишлар ҳақида	Секторда амалга оширилган ишлар ҳақида вилоят ҳокимлигига маълумотлар тақдим килиб бориш.		Ҳар ойда	Сектор раҳбари, Сектор котиби